# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
# QONUNI

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 24 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 21 февралда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ жаҳонда юз бераётган нотинчлик, оммавий тартибсизликлар ҳамда кескинлик давлатлар тинчлигига путур етказиб, халқларнинг ўзаро дўстлигига ва осойишталигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим жиноий гуруҳлар томонидан бундай ҳаракатларнинг молиялаштирилаётганлиги ҳамда уларни ташкил этиш учун махсус тайёрланган шахслар жалб этилаётганлиги бу каби қилмишлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашни тақозо этмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтганлик ҳамда ушбу фаолиятни молиялаштирганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда) **244-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи**, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиши, шу жумладан оммавий тартибсизликларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ёхуд ушбу фаолиятни молиялаштириш, худди шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 27 март
№ ЎРҚ–1051

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING**
**QONUNI**

**О внесении изменения в статью 244**
**Уголовного кодекса Республики Узбекистан**

Принят Законодательной палатой 24 декабря 2024 года
Одобрен Сенатом 21 февраля 2025 года

В последние годы в нашей стране осуществляется широкомасштабные работы, направленные на коренное совершенствование правовых основ защиты прав, свобод и законных интересов человека, а также на борьбу с преступностью.

Однако происходящие в мире нестабильность, массовые беспорядки и напряженность подрывают мир в государствах и оказывают негативное влияние на взаимную дружбу и спокойствие народов. Финансирование подобных действий некоторыми преступными группировками и привлечение специально подготовленных лиц для их организации требуют обеспечение неотвратимости ответственности за такие деяния.

Данным Законом предусматривается внесение изменения в статью 244 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, устанавливающего ответственность за прохождение обучения с целью совершения массовых беспорядков и финансирование данной деятельности.

Настоящий Закон послужит обеспечению мира и спокойствия в нашей стране, совершенствованию системы эффективной борьбы с организованной преступностью и профилактике преступлений.

**Статья 1. Часть третью статьи 244 Уголовного кодекса Республики Узбекистан**, утвержденного Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2012–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 1, ст. 3; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 9, ст. 241; 1998 г., № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст. 165; 2002 г., № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 9, ст. 171; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 314, № 12, ст.ст. 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 12, ст. 656;

2007 г., № 4, ст.ст. 158, 166, № 6, ст. 248, № 9, ст.ст. 416, 422, № 12, ст. 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 187, 188, 189, № 7, ст. 352, № 9, ст.ст. 485, 487, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 4, ст. 128, № 9, ст.ст. 329, 334, 335, 337, № 12, ст. 470; 2010 г., № 5, ст.ст. 176, 179, № 9, ст. 341, № 12, ст.ст. 471, 477; 2011 г., № 1, ст. 1; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст. 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 3, ст. 47, № 6, ст. 300, № 9, ст.ст. 506, 510; 2018 г., № 1, ст. 4, № 4, ст.ст. 218, 224, № 7, ст. 430, № 10, ст. 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 3, 5, № 3, ст. 161, № 5, ст.ст. 259, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст. 471, № 9, ст. 592, № 11, ст. 787, № 12, ст. 880; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст. 204, № 7, ст. 449, № 10, ст. 593, № 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 14, № 2, ст.ст. 142, 144, № 3, ст. 217, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 803, № 10, ст.ст. 966, 968, 973, № 12, ст. 1193; 2022 г., № 2, ст. 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст. 464, 466, № 6, ст. 575, № 10, ст. 981; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185, 187, 188, № 4, ст. 265, № 5, ст. 319, № 10, ст. 798, № 11, ст. 921; 2024 г., № 1, ст. 8, № 2, ст. 111, № 3, ст. 245, № 8, ст. 818, № 9, ст.ст. 954, 964, № 10, ст.ст. 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083, № 11, ст. 1186), заменить **частями третьей**, **четвертой** и **пятой** следующего содержания:

«Прохождение лицом обучения в целях осуществления массовых беспорядков, в том числе приобретение знаний, практических умений и навыков совершения массовых беспорядков, изучение в ходе обучения способов обращения с оружием, взрывными устройствами, взрывчатыми, отравляющими, иными веществами и предметами, представляющими опасность для окружающих, –

наказывается штрафом в размере от трехсот до шестисот базовых расчетных величин или исправительными работами до трех лет либо лишением свободы от пяти до семи лет.

Организация массовых беспорядков, сопровождающихся насилием над личностью, погромами, поджогами, повреждением или уничтожением имущества, сопротивлением представителю власти, с применением либо угрозой применения оружия или других предметов, используемых в качестве оружия, либо финансирование данной деятельности, а равно активное участие в массовых беспорядках –

наказывается лишением свободы от десяти до пятнадцати лет.

Лицо, совершившее преступление, предусмотренное частью третьей настоящей статьи, освобождается от уголовной ответственности, если оно добровольно сообщило органам власти о прохождении обучения, активно способствовало раскрытию совершенного преступления или выявлению других лиц, прошедших такое обучение, осуществлявших, организовавших либо финансировавших обучение, а также мест его проведения, и если в его действиях не содержится иного состава преступления».

**Статья 2.** Министерству внутренних дел, Национальной гвардии Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 3.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

**Статья 4.** Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,
27 марта 2025 года
№ ЗРУ–1051